

“Тасдиқлайман”

Учқўргон туман йўллардан

фойдаланиш УЎ Директори

Х.Атаханов



Учқўргон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг балансидаги GOLDEN PRINSE SINOTURK русумли HOWO юк ташиувчи техникага баллон сотиб олиш учун.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Учқўргон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси.

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Сумма
1	Баллон 320, 1200x20 русумлиги	дона	2	4 500 000	9 000 000
Жами:					9 000 000

1.1 Танлов предмети: Учқўрғон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг балансидаги GOLDEN PRINSE SINOTURK русумли HOWO юк ташиувчи техникага баллон сотиб олиш учун.

Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ҳолиб чиқган бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.

1.4 Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилгандан кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 Учқўрғон ТЙФУК (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Учқўрғон шаҳар Мустақиллик кўчаси 95- уй

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш йўли бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

IV. Танлов Учқўрғон туман йўллардан фойдаланиш УК “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришда банк кафолотномаси ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги:

Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар танлов объектга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги ўз кучлари билан илгари бажарилган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50% дан кам бўлмаган ҳолда):

Низом маблағи миқдори.

3.2 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Қуйидаги талабгорларга танлов Жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар: мол-мулкимушодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, моли ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бир қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон курунишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши лозим:

4.3 Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талаблари ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак :

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар курсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши лозим.

4.4 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар Техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади)

4.5 Танлов иштирокчиси :

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5.Томонларнинг Жавобгарлиги

5.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир.

Ғолиб иштирокчи деб топилган дан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6.Бошқа Шартлар

6.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга ўзгартириши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюртмачисига агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслик керак.

6.3 Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённамаси харид комиссиясининг барча аъзоларини томонидан имзоланган ҳамда ундан олинган кучирма имзоланган кундан эътиборан уч иш кунда имзоланади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённамаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушинтиришларни тақдим этилиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.